

2018-09-19 18:02

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида шу йил 5 июнда ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисидаги 11 июндаги 24-сонли мажлис баёнига мувофиқ Республика ва ҳудудий ишчи гуруҳларига уюшманинг масъул ходимлари бириктирилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда баёнда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, жумладан етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича шартномалар тузилишини таъминлаш борасида тегишли ишлар амалга оширилди.

Юқорида қайд этилган баёнга асосан жорий йил ғалладан бўшаган такрорий экин майдонларига захирага жамғариладиган маҳсулотлардан республика бўйича жами **115 498 гектар**, шундан **25 350 гектарга** картошка, **46 397 гектарга** сабзи ва **43 751 гектарга** шоли экилиши ҳамда етиштирилган ҳосилнинг **304 256 тоннаси** захира учун ишлатилиши белгиланди.

Шундан келиб чиққан ҳолда захирага республикамизнинг барча ҳудудлари бўйича **277 981 тн** маҳсулотга **248 млрд. 482 млн.** сўмлик шартномалар тузилди ва **56 млрд. 402 млн.** сўм бўнак тўланди.

Жумладан, уюшма таркибидаги корхоналар томонидан **70 980 тн** маҳсулотга **73 млрд. 484 млн.** сўмлик шартномалар тузилиб, **2 млрд. 447млн.** сўм бўнак тўланди.

2018/2019 йил қиш-баҳор мавсумида аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида уюшма таркибидаги корхоналар томонидан **140 минг тн**, шундан 50 минг тн картошка, **20 минг тн** пиёз, **40 минг тн** сабзи ва **30 минг тн** гуруч маҳсулотлари захирасини яратиш режалаштирилиб, бу борада барча зарур ишлар амалга оширилмоқда. Маҳсулотларни узоқ муддатга сифатли сақлаш учун тизимдаги корхоналарнинг жами **163 345 тн**, шундан **99 800 тн** сиғимли омборлар ва **63 545** тонналик совутгичли сиғимлар мавсумга тайёр ҳолга келтирилди.